ЎЗБЕКИСТОНДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ПАХТА ЕТИШТИРИШГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

С.МАМАЖОНОВ

В статье прослеживается становление и развитие дехканско-фермерского движения и рассматривается вклад фермерских хозяйств в выращивании хлопка-сырца в Узбекистане.

This article describes the formation and development of farmers activity and includes the contribution of farmers in growing raw' cotton in Uzbekistan.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида кенг миқёсда ислоҳотлар амалга оширилмоқда ва бозор муносабатлари жорий этилмоқда. Фермер хўжаликларини ривожлантириш аграр ислоҳотларнинг бош йўналиши ҳисобланади. Мустақиллик йилларида фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор Президент фармонлари қабул қилинди. Давлатимиз томонидан амалга оширилган тадбирлар натижасида фермер хўжаликлари сони, уларнинг ер майдони, пахта етиштиришдаги салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Шуни айтиш керакки, фермерчилик ҳаракатининг дастлабки йилларида асосан чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари вужудга келган. Деҳқончилик йўналишидаги фермер хўжаликлари нисбатан кам бўлган, улар ҳам, асосан, дончилик, сабзавотчилик, полизчилик билан шуғулланган. Пахтачилик йўналишидаги фермерлар эса жуда кам бўлган.

Тошкент вилояти деҳқон (фермер) хўжаликлари 1992 йилда ажратилган ерлардан самарали фойдаланган. 1627 гектар ерга пахта экилиб, ҳар гектаридан 24 центнердан жами 3915 тонна ҳосил хўжалик орқали давлатга со тилган, шундан 329 тоннаси фермерлар ихтиёрида қолдирилиб, келишилган баҳода сотилган.

Фарғона вилоятида ҳам фермер хўжаликлари йил сайин ривожланиб борган. 1994 йилда вилоятда 1215 фермер хўжалиги бўлган бўлса, 1995 йилда уларнинг сони 1890 тага етди. Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларига жадал кириб борган. Жумладан, чорвачиликда 7196, далачиликда 457, боғдорчиликда 802 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатган.

1995 йилда Фарғона вилоятида деҳқон ва фермер хўжаликларига ажратилган ерлар 15,3 минг гектар бўлиб, бундай хўжаликларнинг фаолияти барқарорлашган эди. Шунинг учун уларда етиштириладиган маҳсулот миқдорини кўпайтиришга фақат ҳар гектар ернинг унумдорлигини ошириш ҳисоби дан эришилган. Бу ўринда вилоят фермерлари фаолиятига тўхталиш лозим. Агар фарғоналик фермер хўжаликлари 1994 йилда 4670 тонна пахта етиштиришган бўлсалар, 1995 йилда бу кўрсаткич 8542 тоннага кўтарилган.

Фермер хўжаликларида пахта етиштиришнинг

1-жадвал
Ўзбекистонда фермер хўжаликларининг пахта экин майдони (минг гектар ҳисобида) [1].

№	Худудлар номи	1997 й	1998 й	1999 й	2000 й	2001 й	2002 й	2003 й	2004 й
1	Қорақалпоғистон	1, 4	6, 1	6, 9	19, 3	14, 0	24, 4	41, 8	78, 8
2	Андижон	3, 8	7, 1	5, 2	13, 4	15, 6	15, 9	16, 3	22, 4
3	Бухоро	1, 6	3, 9	15, 3	28, 3	30, 0	35, 2	40, 7	57, 4
4	Жиззах	18, 0	18, 8	53, 0	58, 2	59, 7	95, 2	92, 4	128, 0
5	Қашқадарё	3, 5	5, 8	12, 3	22, 4	35, 0	57, 7	87, 3	138,2
6	Навоий	2, 0	1, 5	3, 3	5, 4	7, 8	12, 1	16, 7	26, 6
7	Наманган	1, 7	3, 6	9, 8	15, 6	15, 0	22, 3	26, 6	33, 7
8	Самарқанд	3, 1	3, 3	10, 4	15	19, 7	26, 6	35, 7	54, 7
9	Сурхондарё	9, 6	9, 2	14, 6	33, 3	32, 5	34, 8	40, 0	48, 4
10	Сирдарё	9, 8	6, 1	38, 6	56, 4	57, 9	64, 4	84, 1	112, 5
11	Тошкент	3, 1	4, 6	8, 0	11, 4	13, 4	19, 9	22,0	52, 3
12	Фарғона	2, 2	1, 7	4, 9	12, 5	17, 1	35, 5	39, 8	59, 1
13	Хоразм	1, 0	1, 3	2, 4	8, 0	15, 4	20, 4	29, 1	69, 2
14	Республика бўйича	60, 8	73, 0	185, 3	299, 2	333, 5	464, 4	572, 5	881, 2

2-жадвал
Ўзбекистонда фермер хўжаликларининг пахта ялпи ҳосилини ўсиши (минг тонна ҳисобида) [1]

№	Ҳудудлар номи	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003	20004
1	Қорақалпоғистон Республикаси	2, 5	11, 8	10, 6	19, 9	16, 2	24, 4	44, 4	93, 0
2	Андижон	10, 9	18, 7	14, 7	38, 1	45, 2	47, 0	36, 7	57, 8
3	Бухоро	3, 5	9, 2	36, 4	66, 0	74, 5	86, 5	106, 2	172, 8
4	Жиззах	26, 5	40, 2	121, 7	95, 6	80, 7	144, 1	149, 7	232, 9
5	Қашқадарё	8, 1	14, 7	30, 3	31, 0	54, 2	106, 9	175, 8	333, 0
6	Навоий	3, 9	3, 6	7, 9	11, 2	15, 8	31, 7	39, 4	63, 1
7	Наманган	4, 2	8, 8	20, 1	30, 0	28, 9	51, 1	43, 2	79, 3
8	Самарқанд	9, 5	9, 5	29.3	24, 0	38, 1	61, 7	84, 0	132, 4
9	Сурхандарё	28, 4	29, 6	43, 1	74, 0	80, 3	94, 5	117, 0	137, 8
10	Сирдарё	15,7	11, 7	81, 7	80, 5	83, 4	89, 3	114, 6	164, 2
11	Тошкент	7, 5	10, 5	21, 1	30, 9	39, 2	41, 9	43, 9	106, 1
12	Фарғона	5, 7	5, 1	12, 8	32, 2	40, 1	82, 9	67, 5	109, 3
13	Хоразм	2, 5	4, 4	7, 7	15, 5	21, 9	34, 7	44, 0	146, 7
14	Республика бўйи-ча:	128, 9	177, 8	437, 4	548, 9	618, 5	896, 7	1066, 4	1828, 4

жадал суръатларда ўсиши 1999 йилдан бошлаб доимий равишда, йилдан-йилга катта миқдорда колхоз ва ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликлари ташкил қилиниши натижасида содир бўлди. Колхоз ва ширкат хўжаликлари, асосан, пахта етиштириш билан банд эди. Уларнинг тугатилиши билан пахта топшириш вазифаси бу хўжаликлар асосида ташкил этилган фермер хўжаликларига юклатилди. Колхоз ва ширкат хўжаликларининг фермер хўжаликларига айлантирилиши туфайли уларга бириктирилган ер майдони жадал ортиб борди. 1999 йилда 8 та колхоз ва ширкат хўжаликлари тугатилиб, 440 та фермер хўжаликлари ташкил этилган, шу тартибда 2000 йилда 8 та ва 479 та, 2001 йилда 52 та ва 3031 та, 2002 йилда 91 та ва 3822 та, 2003 йилда 177 та ва 11383 та, 2004 йилда 396 та ва 15161 та, 2005 йилда 445 та хўжалик тугатилди ва 19769 та фермер хўжаликлари ташкил этилган [1]. Келтирилган маълумотлар тугатилган колхоз ва ширкат хўжаликлар сони йилдан-йилга ортиб борганлигини ҳамда улар негизида ташкил этилган фермер хўжаликлар сони ҳам шунга мос равишда ўсиб борганлигини кўрсатади. Тажриба шуни кўрсатдики, тугатилган хўжаликларга нисбатан улар негизида ташкил этилган фермер хўжаликлари самарали фаолият кўрсатган. Шунинг учун йилдан-йилга тугатилаётган хўжаликлар сони кўпайиб, ташкил этилган фермерлар сони ортиб борган.

Фермер хўжаликларининг умумий сонининг ортиши билан бирга колхоз ва ширкат хўжаликларининг фермер хўжаликларига айлантирилиши бошлангандан кейин пахтачилик йўналишидаги фермерлар сони ва уларга бириктирилган пахта экин майдони жадал суръатлар билан ортиб борган (1-жадвал).

Жадвалдаги маълумотлар шундан далолат беради, фермер хўжаликларининг пахта экин майдони колхоз ва ширкат хўжаликларининг тугатилиши натижасида тез суръатлар билан ўсиб борган. Колхоз ва ширкат хўжаликларининг тугатилиши арафасида, яъни 1997 йилда Республика бўйича фермер хўжаликларининг пахта экин майдони 60,8 минг гектарни, 1998 йилда 73 минг гектарни ташкил қилган эди. Коллектив хўжаликларни тугатилиши бошланган 1999 йилда Республика фермер хўжаликларининг пахта экин майдони 185,3 минг гектарини ташкил қилган бўлса, 2004 йилда 881,2 минг гектарни ташкил этган. Республика фермер хўжаликларининг пахта экин майдони 2004 йилда 1998 йилга нисбатан 12 маротаба ортиқ бўлган. Фермер хўжаликлари пахта экин майдонининг бундай тез ўсишининг асосий сабаби колхоз ва ширкат хўжаликлари асосида фермер хўжаликларининг ташкил этилиши бўлган.

Фермер хўжаликлари пахта экин майдонининг йилдан-йилга ортиб бориши, ҳосилдорлигининг аста-секин ўсиши пахта ялпи ҳосилининг кўпайишига олиб келди. Бу жараённи қуйидаги жадвалдаги маълумотлардан кузатиш мумкин.

Жадвалдаги маълумотлар шундан далолат беради, колхоз ва ширкат хўжаликларининг фермер хўжаликларига айлантирилиши натижасида 1999 йилдан бошлаб республика фермер хўжаликларида пахтанинг ялпи ҳосили жадал суръатлар билан ўсди. Ўзбекистон мустақилликка эришган 1991 йилдан 1997 йилгача республика фермер

хўжаликларида пахтанинг ялпи ҳосили 128,9 минг тоннани ташкил этган бўлса, ширкат хўжаликларининг тугатилиши бошланган 1999 йилдан 2004 йилгача пахтанинг ялпи ҳосили 1828,4 минг тоннага етган. Демак, 2004 йилга келиб бу кўрсатгич 14 мартадан ортиқ, 1998 йилга нисбатан эса 10 мартадан ортиқ бўлган.

2004 йилдан республикадаги 99647 фермер хўжаликларидаги 32251 фермерда 3 тагача, 9039 тасида 4-5 та, 1129 тасида 6-10 та қишлоқ хўжалик техникаси бўлган. Шу билан бирга, кўпчилик фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик техникалари йўқ эди. Муқобил машина трактор парклари таркибида 1811 дона ҳайдов, 8198 дона чопиқ ва 7035 дона транспорт тракторлари, 493 дона дон ва 80 дона ем-ҳашак комбайнлари, 1745 дона омочлар, 4024 дона чигит экиш сеялкалар, 6698 дона культиваторлар, 8936 дона трактор тиркамалари ва 11300 донадан ортиқ бошқа қишлоқ хўжалик машина ва механизмлари мавжуд эди [2]. Қишлоқ хўжалик техникаси йўқ фермер хўжаликлари МТП техникаларидан шартнома асосида фойдаланар эди.

Республика бўйича 2005 йилга келиб, фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган пахта хомашёси 1997 йилга нисбатан 20 баробарга, бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 5 баробарга ошди. Бу ютуқларга эришишнинг бош омили сифатида фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларнинг давлат дастури асосида ривожланишидир. 2005 йилда Қорақалпоғистон Республикасидаги 4900 нафар фермер хўжаликлари республика пахтасининг 85 % ни, Бухоро вилоятидаги 6037 та фермер хўжаликлари вилоят пахтасининг 80 % идан ортиғини ишлаб чиқарадилар [1]. Фермер хўжаликларининг пахта етиштиришдаги умумий салмоғи республикамизнинг барча вилоят ва туманларида кескин суръатлар билан ортиб борди.

2004-2005 йилларда молия ва таъминот соҳала ри ҳамда инфратузилма объектлари фаолиятининг аввалги йилларга нисбатан самарали ташкил этилиши туфайли пахтадан сезиларли даражада юқори ҳосил олинди. 2002 йилда жами етиштирилган пахта хомашёсининг 29 фоизи фермер хўжаликлари улушига тўғри келган бўлса, 2006 йилга келиб пахта хомашёсининг 85 % идан ортиғи фермер хўжаликлари томонидан етиштириб берилди [3;10].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, фермерлик ҳаракатининг дастлабки йилларида ташкил бўлган фермер хўжаликлари асосан чорвачилик, сабзавотчиликка ихтисослашган эди. Пахтачилик билан фермер хўжаликлари деярли шуғулланмаган. Пахтани давлат режасига биноан колхозлар тайёрлаган. Мустақилликнинг ўтган қисқа даврида фермер хўжаликлари бошқа тоифадаги қишлоқ хўжаликлари корхоналарига нисбатан ўзининг афзаллигини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати 1999 йилдан бошлаб паст рентабелли ва истиқболсиз коллектив ва ширкат хўжаликларини тугатишни, улар асосида фермер хўжаликлари ташкил қилишни бошлади. Колхоз ва ширкат хўжаликлари негизида ташкил қилинган фермер хўжаликларига давлат эхтиёжлари учун ҳарид қилинадиган пахта хомашёси давлат буюртмаси жорий қилинди. Ўша даврдан бошлаб пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари сони ва улар етиштирган пахта миқдори йилдан-йилга ортиб борди. Республикада ўз ишининг ҳақиқий билимдони бўлган тажрибали, тадбиркор кишилар раҳбарлик қилаётган жуда кўплаб илғор пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари шаклланди ва мамлакат пахта хирмонига катта ҳисса қўшди. Бу илғор фермерлар ўзлари катта манфаат кўрмоқда, қолаверса, янги ишчи ўринларини яратмоқда, ишлаб чиқаришга янги технологияларни олиб кирмоқда, ўз маҳсулотларини ҳорижга экспорт қилмоқда, ишчилар даромадини кўпайтирмоқда.

АДАБИЁТЛАР:

1. ЎзР Фермер хўжаликлари уюшмаси (ФҲУ) идоравий архиви, 2005 йил ҳужжатлари йиғмажилди.
2. ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (ҚСХВ) идоравий архиви, ЎЗР ҚСХВ коллегиясининг 2004 йилдаги қарорлари йиғмажилди.
3. Ўзбекистонда фермер хўжаликларини юритиш асослари. – Т., 2007, Б-10

Андижон давлат университети,
2010 йил 29 майда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.Алимов)